

Абдулла Қодирий

ЎТКАН КУНЛАР

Ёзғучидан

Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.

Ёзмоққа ниятланганим ушбу — «Ўткан кунлар», янги замон рўмончилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчилик-лар билан майдонга чиқиши, аҳлларининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомулга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далдасида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим.

Мозийға қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзўни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тари-химизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгуладим.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)

Биринчи бўлим

1. ОТАБЕК ЮСУФБЕК ҲОЖИ ЎҒЛИ

1264-инчи ҳижрий, далв ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботқан, теvarакдан шом азони эшитиладир...

Дарбозаси шарқи-жанубийга қаратиб қурилган бу донғдор саройни Тошканд, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари эгаллаганлар, саройдаги бир-икки хужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофирлар ила тўла. Сарой аҳли кундузги иш кучларидан бўшаб хужраларига қайтқанлар, кўб хужралар кечлик ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгига қарағанда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хохолаб кулишишлари саройни кўкка кўтаргудек.

Саройнинг тўрида бошқаларга қарағанда кўркамрак бир хужра, анови хужраларга кийгиз тўшалгани ҳолда бу хужрада қип-қизил гилам, утталарда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрас кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиғанда, бу хужрада шамъ ёна-дир, ўзга хужраларда енгил табиъатлик, серчақчақ киши-лар бўлганида бу хужранинг эгаси бошқача яратилишда.

Оғир табиъатлик, улуғ ғавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит. Бас, бу хужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам